



«СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ» КАФЕДРАСИ

«СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ» ФАНИ


**МАВЗУ: ЖИСМОНИЙ
ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН
ДАРОМАД СОЛИҒИ**

ТОШКЕНТ-2014




РЕЖА:

1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг иқтисодий моҳияти ва бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли.
2. Солиқ тўловчилар, солиққа объекти ва солиқ солинадиган база.
3. Солиқ ставкалари ва солиқдан тақдим этилган имтиёзлар таркиби.
4. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби.



1. *Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг иқтисодий моҳияти ва бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли.*


Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи - молия муносабатларининг кичик тизими сифатида, аҳоли билан давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни, хусусан уларнинг даромадларидан бир қисмини давлатнинг марказлаштирилган фондини ташкил этиш муносабатларини акс эттиради.



1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг иқтисодий моҳияти ва бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли.


Жисмоний шахслар тўлаётган солиқлар ичида бюджет тушумларидан салмоқли ўринни эгаллайдиган солиқ бу – **жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидир.**

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 1991 йилнинг март ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги “**Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида**”ги Қонуни асосида жорий этилган.



1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг иқтисодий моҳияти ва бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи — давлат бюджети даромадларининг асосий манбаларидан бири бўлиб, у умумдавлат солиқлари таркибига киради. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, солиқ жисмоний шахсларнинг бевосита даромадларидан олинади.



1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг иқтисодий моҳияти ва бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли.

Бугунги кунда жисмоний шахслар тўлаётган солиқлар ва йиғимлар давлат бюджети даромадларининг қарийиб **15-20 фоизини** ташкил этмоқда.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг бюджети даромадларидаги салмоғини таҳлил этар эканмиз, ушбу кўрсаткич 2004 йилда **12,7 фоизни** ташкил этган бўлса, 2008 йилда **12.5 фоиз** бўлган. 2014 йилги давлат бюджети параметрлари бўйича ушбу солиқ давлат бюджети даромадларининг **11.0 фоизини**, тўғри солиқлардаги улуши эса **42.5 фоизни** ташкил этиши прогнозлаштирилган

1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг иқтисодий моҳияти ва бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли.




Диаграмма. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг давлат бюджети даромадларидаги салмоғи динамикаси



2. Солиқ тўловчилар, солиққа объекти ва солиқ солинадиган база.

Солиқ кодексининг 167-модасига кўра **солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар** жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилари ҳисобланади.

Жисмоний шахсларнинг - Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадларига **Солиқ кодексининг 182-моддасида** назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар (*манбада чегирмаларсиз*) ҳисобга олинган ҳолда ва ставкалар бўйича солиқ солинади.

2. Солиқ тўловчилар, солиққа объекти ва солиқ солинадиган база.

Солиқ солиш мақсадида жисмоний шахслар **резидентлар ва норезидентларга** бўлинади.


Солиқ кодексининг 19-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг резиденти деб қуйидагилар эътироф этилади:

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки жорий солиқ даврида яқунланаётган ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида **жами бир юз саксон уч кун ва ундан ортиқ** муддат Ўзбекистон Республикасида турган жисмоний шахс.

2. Солиқ тўловчилар, солиққа объекти ва солиқ солинадиган база.

Чет давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг қуйидагилар сифатида турган даври унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳақиқатда турган вақтига киритилмайди:

- 1) дипломатик ёки консуллик мақомига эга бўлган шахс сифатида;
- 2) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига кўра тузилган халқаро ташкилотнинг ходими сифатида;
- 3) 1-бандда кўрсатилган шахсларнинг оила аъзоси сифатида, бундай жисмоний шахс тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда;
- 4) фақат бир чет давлатдан бошқа чет давлатга Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ўтиш (транзит ўтиш) учун;
- 5) агар бу жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасида фақат турист сифатида, даволаниш ёки дам олиш мақсадлари билан турган бўлса.



2. Солиқ тўловчилар, солиққа объекти ва солиқ солинадиган база.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган жисмоний шахсларга уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек ундан ташқаридаги фаолияти манбаларидан олинган даромадлари бўйича солиқ солинади.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлмаган жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги манбалардан олинган даромадлар бўйича солиқ солинади.

2. Солиқ тўловчилар, солиққа объекти ва солиқ солинадиган база.

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадлари солиқ солиш объектидир (169-модда):

- Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлари;
- Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлари.

Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан олинган, Солиқ кодексининг 58-бобига мувофиқ қатъий белгиланган солиқ солинадиган даромадлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг солиқ солиш объекти бўлмайди.



2. Солиқ тўловчилар, солиққа объекти ва солиқ солинадиган база.

Солиқ солинадиган база жами даромаддан келиб чиқиб, солиқ солишдан озод қилинган даромадлар чегирилган ҳолда аниқланади.

Агар солиқ тўловчининг даромадидан унинг ихтиёрига кўра, суд ёки бошқа органларнинг қарорига биноан бирон бир ушлаб қолишлар амалга оширилса, бундай ушлаб қолишлар солиқ солинадиган базани камайтирмайди.

2. Солиқ тўловчилар, солиққа объекти ва солиқ солинадиган база.

Жисмоний шахсларнинг жами даромадига қуйидагилар киради:

- 1) меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;
- 2) мулкӣ даромадлар;
- 3) моддий наф тарзидаги даромадлар;
- 4) бошқа даромадлар.



2. Солиқ тўловчилар, солиққа объекти ва солиқ солинадиган база.

Иш берувчи билан меҳнатга оид муносабатларда бўлган ва тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ ишларни бажараётган жисмоний шахсларга ҳисобланадиган ва тўланадиган барча тўловлар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар деб эътироф этилади

2. Солиқ тўловчилар, солиққа объекти ва солиқ солинадиган база.





2. Солиқ тўловчилар, солиққа объекти ва солиқ солинадиган база.

Рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар жумласига қуйидагилар киради:

- 1) йиллик иш якунлари бўйича мукофот;
- 2) юридик шахснинг мукофотлаш тўғрисидаги қондасида назарда тутилган рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар;
- 3) касб маҳорати, мураббийлик учун тариф ставкаларига ва маошларга устамалар;
- 4) таътилга қўшимча ҳақлар;
- 5) кўп йил ишлаганлик учун пул мукофоти ва тўловлар;
- 6) рационализаторлик таклифи учун тўлов.
- 7) меҳнат натижалари билан боғлиқ бўлмаган бир йўла бериладиган мукофотлар.

2. Солиқ тўловчилар, солиққа объекти ва солиқ солинадиган база.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида даромадга киритиладиган компенсация тўловлари (компенсациялар) жумласига қуйидагилар киради:

- 1) табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойлардаги ишлар билан боғлиқ қўшимча тўловлар (иш стажи учун устамалар, баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун белгиланган коэффициентлар бўйича тўловлар);
- 2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, ўта зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан шундай шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун иш ҳақига устамалар;
- 3) хизмат сафарлари вақтидаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар);
- 4) озиқ-овқат ва йўл чипталарининг қиймати ёки озиқ-овқат ва йўл чипталарининг қийматини қоплаш.

2. Солиқ тўловчилар, солиққа объекти ва солиқ солинадиган база.

Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлашга қуйидагилар киради:

- 1) ўқиш билан боғлиқ таътилга ва ижодий таътиллarga ҳақ тўлаш;
- 2) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга берилган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш;
- 3) донор ходимларга кўрикдан ўтиш, қон топшириш ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;
- 4) қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишларга жалб қилинадиган ходимларнинг асосий иш жойи бўйича сақлаб қолинадиган иш ҳақи;
- 5) ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўлаш;
- 6) меҳнат лаёқатини вақтинча йўқотган ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш;
- 7) юридик шахснинг маблағлари ҳисобидан тўланадиган пенсиялар ва нафақаларга қўшимчалар, стипендиялар;

2. Солиқ тўловчилар, солиққа объекти ва солиқ солинадиган база.

Жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадлари таркибига қуйидагилар киради:

- 1) фоизлар;
- 2) дивидендлар;
- 3) мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар;
- 4) жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар.

2. Солиқ тўловчилар, солиққа объекти ва солиқ солинадиган база.

Солиқ тўловчи томонидан юридик шахсдан моддий наф тарзида олинган даромадлар қуйидагилардир:

- юридик шахс томонидан жисмоний шахс манфаатларини кўзлаб, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлаш, шу жумладан:
- жисмоний шахсларнинг болаларини мактабгача таълим муассасаларида ўқитиш, тарбиялаш;
- коммунал хизматлар, ходимларга берилган уй-жой ҳақини, уй-жойдан фойдаланиш харажатлари ҳақини, ётоқхонадаги жойлар ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;
- санаторий-курортларда даволаниш йўлланмалари қийматини, дам олиш, стационар ва амбулаторияга қатнаб даволаниш ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;



2. Солиқ тўловчилар, солиққа объекти ва солиқ солинадиган база.

Солиқ тўловчи томонидан юридик шахсдан моддий наф тарзида олинган даромадлар қуйидагилардир:

- солиқ тўловчининг манфаатларини кўзлаб текинга, шу жумладан ҳадя шартномаси асосида берилган мол-мулк;
- жисмоний шахснинг юридик шахс олдидаги қарзининг юридик шахс қарори билан ҳисобдан чиқарилган суммалари;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларга темир йўл, авиация, дарё, автомобиль транспорти ва шаҳар электр транспортида юриш бўйича бериладиган имтиёзлар суммаси;

2. Солиқ тўловчилар, солиққа объекти ва солиқ солинадиган база.

Жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари жумласига қуйидагилар киради:

- пенсиялар ва қонун ҳужжатларида белгиланган нафақалар;
- стипендиялар;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хайрия ва экология жамғармалари томонидан жисмоний шахсларга бериладиган нафақалар ҳамда бошқа турлардаги ёрдам;
- донорлик учун пул мукофотлари;
- алиментлар;

2. Солиқ тўловчилар, солиққа объекти ва солиқ солинадиган база.


Жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари жумласига қуйидагилар киради:

- жисмоний шахслардан текин (шу жумладан ҳадя шартномалари бўйича) олинган мол-мулк;
- мусобақаларда, кўрикларда, танловларда совринли ўринлар учун бериладиган совринлар, пул мукофотлари;
- ютуқлар;
- грант берувчидан олинган грантлар, шу жумладан чет давлатлар грантлари бўйича олинган суммалар.

2. Солиқ тўловчилар, солиққа объекти ва солиқ солинадиган база.

Юридик шахслар амалга оширадиган қуйидаги харажатлар жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди:

- меҳнат шaroитлари ноқулай бўлган ишларда банд бўлган ходимларни меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сўт, даволаш-профилактика озик-овқати, газланган шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш харажатлари;
- касаба уюшмаси қўмитаси томонидан амалга ошириладиган тўловлар, шу жумладан аъзолик бадаллари ҳисобидан касаба уюшмаси аъзоларига бериладиган моддий ёрдам, бундан касаба уюшмаси қўмитасининг ходимларига меҳнат вазифаларини бажарганлик учун бериладиган пул мукофотлари ва бошқа тўловлар мустасно;
- ходимларни иш жойига олиб келиш ва қайтариб олиб кетиш харажатлари;



3. Солиқ ставкалари ва солиқдан тақдим этилган имтиёзлар таркиби.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи кўпгина мамлакатлардаги сингари Ўзбекистонда ҳам прогрессив солиқ ҳисобланади.

Ушбу солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланади.

3. Солиқ ставкалари ва солиқдан тақдим этилган имтиёзлар таркиби.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигига кўра жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- жисмоний шахсларнинг иш ҳақи, мукофотлар ва бошқа даромадларига солинадиган табақалашган прогрессив солиқ ставкалари;
- жисмоний шахсларнинг дивиденд ва фоиз тариқасида оладиган даромадларига солиқ ставкаси;
- норезидент жисмоний шахсларнинг даромадларига тўлов манбаида солинадиган солиқ ставкалари;
- имтиёзли солиқ ставкалар.


3. Солиқ ставкалари ва солиқдан тақдим этилган имтиёзлар таркиби.

**Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
СТАВКАЛАРИ (2014 йил учун)**

Солиқ солинадиган даромад	Солиқ ставкаси
ЭНГ кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда	даромад суммасидан 7.5 фоиз
ЭНГ кам иш ҳақининг беш бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда	беш баравар миқдордан солиқ + ЭНГ кам иш ҳақи миқдорининг беш бараваридан ошадиган суммадан 16 фоиз
ЭНГ кам иш ҳақининг ўн бараваридан (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	ўн баравар миқдордан солиқ + ЭНГ кам иш ҳақи миқдорининг ўн бараваридан ошадиган суммадан 22 фоиз

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2099-сон қароридан олинди.

3. Солиқ ставкалари ва солиқдан тақдим этилган имтиёзлар таркиби.



Солиқ солинадиган даромадлар гуруҳлари бўйича солиқ солиш шкаласи йил бошига – **2014 йил 1 январга** белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан (**96105 сум**) келиб чиқиб белгиланади ва энг кам иш ҳақи миқдорининг йил давомидаги ўзгаришига қараб қайта кўриб чиқилмайди.

3. Солиқ ставкалари ва солиқдан тақдим этилган имтиёзлар таркиби.

Белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланган, бюджетга тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси **фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган**, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган даромадларидан **1 фоиз** миқдорида ҳисоблаб чиқариладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

3. Солиқ ставкалари ва солиқдан тақдим этилган имтиёзлар таркиби.

Жисмоний шахсинг - Ўзбекистон Республикаси норезидентининг Ўзбекистон Республикасидаги даромадлар манбаидан олинган, даромадларига манбада чегирмаларсиз қуйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади:

- дивиденд ва фоизларга - **10 фоиз**;
- халқаро ташишларда транспорт хизматлари кўрсатишдан олинган даромадларга (фрахтдан олинган даромадларга) - **6 фоиз**;
- меҳнат шартномалари ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича олинган даромадларга ҳамда юқоридаги бандларда кўрсатилмаган бошқа даромадларга - **20 фоиз**.

3. Солиқ ставкалари ва солиқдан тақдим этилган имтиёзлар таркиби.

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига белгиланган энг кам ставка (7.5 фоиз – 2014 йил учун) бўйича солиқ солинади:

- баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган коэффициентлар бўйича қўшимча тўловлар тариқасида олинган даромадларга.
- корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан вақтинчалик қишлоқ хўжалиги ишларига юборилган жисмоний шахсларнинг шу ишларни бажаришдан олинган даромадларига (бундан пахта йиғим-терими бўйича қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинадиган жисмоний шахсларнинг бу ишларни бажарганлик учун олган даромадлари мустасно).

3. Солиқ ставкалари ва солиқдан тақдим этилган имтиёзлар таркиби.

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига белгиланган энг кам ставка (7.5 фоиз – 2014 йил учун) бўйича солиқ солинади:

- мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга;
- жисмоний шахслардан текин олинган улушлар, акциялар тарзидаги даромадларга;
- жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мулкни реализация қилишдан олинган даромадларга.

Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадларидан олиш даражаси 20 фоиздан ошмаслиги лозим. Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишлар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

3. Солиқ ставкалари ва солиқдан тақдим этилган имтиёзлар таркиби.

Солиқ кодексининг 179-моддасига мувофиқ жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига солиқ солинмайди:

моддий ёрдам суммалари:

- фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари - тўлалигича;
- вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари - энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда;
- бошқа ҳолларда - солиқ даври учун энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда.

3. Солиқ ставкалари ва солиқдан тақдим этилган имтиёзлар таркиби.

- вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, агар бундай ишларга ёллаш вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари кўмагида амалга оширилаётган бўлса;
- Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти;

3. Солиқ ставкалари ва солиқдан тақдим этилган имтиёзлар таркиби.

- халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти;
- донорлик учун пул мукофотлари, шунингдек қон йиққанлик учун тиббиёт муассасалари ходимлари оладиган суммалар;
- жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинадиган даромадлар, бундан:
 - қимматли қоғозларни, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини (пайларини);
 - яшаш учун мўлжалланмаган жойларни;
 - кетма-кет келадиган ўн икки ойлик давр ичида бир мартадан ортиқ битим тузилган тақдирда, уй-жойларни **реализация қилишдан олинадиган даромадлар мустасно.**

3. Солиқ ставкалари ва солиқдан тақдим этилган имтиёзлар таркиби.

- халқаро ҳамда республика танловлари ва мусобақаларида олинган буюм тарзидаги совринларнинг қиймати;
- юридик шахсдан солиқ даври мобайнида энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдоригача бўлган қийматдаги - ходимлар натура шаклида олган совғалар;
- давлат заёмининг облигациялари бўйича ютуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлар, лотерея бўйича ютуқлар;
- олинган алиментлар;
- фуқароларнинг суғурта товони сифатида оладиган суммалари;
- қонун ҳужжатларида давлат стипендиялари учун белгиланган миқдорларда таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан тўланадиган стипендиялар;

3. Солиқ ставкалари ва солиқдан тақдим этилган имтиёзлар таркиби.

- фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг:
 - Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммалари;
 - Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган суммалари.
- пахта йиғим-терими бўйича қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинадиган жисмоний шахсларнинг бу ишларни бажарганлик учун олган даромадлари.

3. Солиқ ставкалари ва солиқдан тақдим этилган имтиёзлар таркиби.

Солиқ кодексининг 180-моддасига мувофиқ солиқ солишдан қуйидаги жисмоний шахслар тўлиқ озод қилинади:

- хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари ва ходимлари, консулик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаса, - Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатлик ва консулик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

3. Солиқ ставкалари ва солиқдан тақдим этилган имтиёзлар таркиби.

- Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ҳамда божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига кирувчи шахслар - хизматни ўташ (хизмат вазифаларини бажариш) муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар суммалари бўйича;
- прокуратура органларининг даража унвонларига эга бўлган ходимлари - уларнинг хизмат вазифаларини бажариш муносабати билан олган даромадлари бўйича;
- гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар - ушбу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича.

3. Солиқ ставкалари ва солиқдан тақдим этилган имтиёзлар таркиби.

Қуйидаги жисмоний шахслар солиқ солишдан қисман (даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги даромадлар бўйича) озод қилинади:

- “Ўзбекистон Қаҳрамони”, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган шахслар;
- уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахслар;
- болаликдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари.
- икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар.



4. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби.

Солиқ агентлари солиқ тўловчининг даромадларидан ҳисобланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини мазкур даромадлар ҳақиқатда тўланаётганда ушлаб қолишлари шарт.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг тўғри ушлаб қолиниши ва ўз вақтида бюджетга ўтказилиши учун жавобгарлик даромад тўлаётган солиқ агентининг зиммасида бўлади. Мазкур солиқ суммаси ушлаб қолинмаган тақдирда, солиқ агенти ушлаб қолинмаган суммани ҳамда у билан боғлиқ пеняни бюджетга тўлаши шарт.

4. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш солиқ солинадиган база ҳамда ставкалардан келиб чиққан ҳолда даромад ҳисобланишига қараб, йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича ҳар ойда жисмоний шахснинг **асосий иш жойи** бўйича солиқ агенти томонидан амалга оширилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган **ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.**

4. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби.

Солиқ агентлари:

- 1) солиқ даври тугаганидан сўнг ўттиз кун ичида давлат солиқ хизмати органларига даромадлар олган жисмоний шахслар тўғрисида, *асосий иш жойи бўйича даромадлар олган жисмоний шахслар бундан мустасно*, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган шаклда маълумотнома тақдим этиши шарт.
- 2) йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молия ҳисоботини тақдим этиш муддатида давлат солиқ хизмати органларига **ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотларни** Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шаклда тақдим этиши шарт.

4. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби.

Тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси бюджетга солиқ агенти томонидан қуйидаги муддатларда тўланади:

- пул маблағларини олиш учун хизмат кўрсатувчи банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда (*уш ҳақи бўйича ойнинг биринчи ярми учун бўнак (аванс) олиш учун ҳужжатлар тақдим этилганда солиқни тўлаш амалга оширилмайди*);
- тўлов натура ҳолида амалга оширилган ой тугаганидан кейин **беш кун** ичида, агар бундай тўловга қонун ҳужжатларида рухсат берилган бўлса.